



**SCIENTIFIC APPROACHES TO THE CONCEPT AND  
LEGAL NATURE OF DISPUTES RELATED TO EXTRA-  
BUDGETARY PENSION FUNDS**

**Abduganiev Abdurasul Uzakberdievich**

Republic of Uzbekistan Law Enforcement Academy

"Direction of Prosecutorial Activity" 2nd year master's student

[KarimkulovaBarno9@gmail.com](mailto:KarimkulovaBarno9@gmail.com)

<https://doi.org/10.5281/zenodo.17853212>

**ARTICLE INFO**

Received: 01<sup>st</sup> December 2025

Accepted: 07<sup>th</sup> December 2025

Online: 08<sup>th</sup> December 2025

**KEYWORDS**

*State, tasks, disputes, employee,  
pension, procedural aspects,  
legal, regulatory, functions of  
bodies.*

**ABSTRACT**

*In this article, the author analyzed such issues as the  
concept of disputes related to extra-budgetary  
pension funds and scientific approaches to their legal  
nature.*

**НАУЧНЫЕ ПОДХОДЫ К ПОНЯТИЮ И ПРАВОВОЙ ПРИРОДЕ СПОРОВ,  
СВЯЗАННЫХ С ВНЕБЮДЖЕТНЫМИ ПЕНСИОННЫМИ ФОНДАМИ**

**Абдуганиева Абдурасула Узокбердиевича**

Республики Узбекистан Правоохранительная академия

"Направление прокурорской деятельности" слушатель магистратуры 2 курса

[Karimkulovabarno9@gmail.com](mailto:Karimkulovabarno9@gmail.com)

<https://doi.org/10.5281/zenodo.17853212>

**ARTICLE INFO**

Received: 01<sup>st</sup> December 2025

Accepted: 07<sup>th</sup> December 2025

Online: 08<sup>th</sup> December 2025

**KEYWORDS**

*Государство, задачи,  
конфликты, служащий,  
пенсия, процессуальные  
аспекты, правовые,  
регулирующие, функции  
органов.*

**ABSTRACT**

*В данной статье автор анализирует такие  
вопросы, как понятие спора, связанного с  
внебюджетными пенсионными фондами, и  
научные подходы к его правовой природе.*

**БЮДЖЕТДАН ТАШҚАРИ ПЕНСИЯ ЖАМҒАРМАЛАРИ БИЛАН  
БОҒЛИҚ НИЗО ТУШУНЧАСИ ВА ЮРИДИК ТАБИАТИГА ДОИР  
ИЛМИЙ ЁНДОШУВЛАР**

**Абдуганиев Абдурасул Узокбердиевич**

Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш Академияси

"Прокурорлик фаолияти йуналиши" 2-курс магистратура тингловчиси

[Karimkulovabarno9@gmail.com](mailto:Karimkulovabarno9@gmail.com)

<https://doi.org/10.5281/zenodo.17853212>

**ARTICLE INFO**

**ABSTRACT**



Received: 01<sup>st</sup> December 2025  
Accepted: 07<sup>th</sup> December 2025  
Online: 08<sup>th</sup> December 2025

**KEYWORDS**

*Давлат, вазифалар, низолар,  
хизматчи, пенсия,  
процессуал жиҳатлари,  
ҳуқуқий, тартибга солиш,  
органлар функциялар.*

*Мазкур мақолада муаллиф бюджетдан ташқари пенсия жамғармалари билан боғлиқ низо тушунчаси ва юридик табиатига доир илмий ёндошувларга каби масалаларни таҳлил этган.*

Бизга маълумки, юридик жиҳатдан айтганда давлат номидан иш олиб боровчи пенсия жамғармаси мансабдор шахслари ва фуқаролар ўртасида низо вужудга келади. Мазкур низони қонунлар асосида адолатли ҳал этиш учун эса оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларни кўриб чиқиш учун алоҳида тартиб – маъмурий юстицияни самарали йўлга қўйиш талаб этилади. Хусусан, давлат бошқарувини амалга ошириш жараёнида мансабдор шахсларнинг қонунлар ва ўрнатилган тартиб қоидаларга риоя этишлари мазкур соҳада низоларни кўриб чиқишнинг махсус тартиби ва одил судловни амалга ошириш механизмининг самарали йўлга қўйилганлиги билан кафолатланган бўлиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 февралдаги ПФ-4966-сон “Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони<sup>1</sup>га асосан оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган маъмурий низоларни кўриб чиқишга ваколатли бўлган Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судларини, туман (шаҳар) маъмурий судлари ташкил этилди. Бу эса маъмурий низоларни ҳал этувчи махсус одил суд тизими юзага келганлигини англатади.

2020 йил 24 июлдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонига кўра, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколатини маъмурий судлардан жиноят ишлари бўйича судларга ўтказиш ва маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишларни кўришга ихтисослаштирилган Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар марказлари ва Тошкент шаҳрида туманлараро маъмурий судларини ташкил этиш, шу муносабат билан туман (шаҳар) маъмурий судларини тугатиш, бунда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судлари сақлаб қолиниши белгилаб ўтилди<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 29.09.2017 й., 06/17/5195/0033-сон, 20.07.2018 й., 06/18/5487/1543-сон

<sup>2</sup> Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.07.2020 й., 06/20/6034/1103-сон; 21.01.2021 й., 06/21/6143/0052-сон



Ўтган қисқа даврда маъмурий судлар томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш, одил судлов ва қонун устуворлигини таъминлаш борасида ўта муҳим ишлар амалга оширилди. Буни биргина маъмурий органларнинг 2020 йилда 1 минг 255 та, 2021 йилнинг биринчи ярмида 654 та қарори суд томонидан ҳақиқий эмас, деб топилгани мисолида ҳам яққол кўриш мумкин<sup>3</sup>. Мазкур ишлар ичида бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси (БТПЖ) билан боғлиқ низолар ҳам мавжуд.

Бироқ, мазкур соҳадаги қисқа муддатли амалиёт ва олиб борилган тадқиқотлар натижаси муаммолар мавжудлигини кўрсатмоқда. Жумладан, пенсия жамғармалари билан фуқаролар ўртасида юзага келадиган низоларнинг судга тааллуқлилиги, давлат хизматчисига тайинланадиган пенсия билан боғлиқ низоларни ҳал қилишнинг процессуал жиҳатлари билан боғлиқ айрим муаммолар мавжуд.

Юқоридагиларга кўра, мамлакатимизни ривожлантиришнинг ҳозирги давр талабларидан келиб чиққан ҳолда пенсия жамғармалари билан фуқаролар ўртасида юзага келадиган низоларни амалий ва назарий жиҳатдан ўрганиш ҳамда муаммоларни аниқлаш ва таҳлилларни амалга ошириш орқали уни янада ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг [39-моддасига](#) биноан ҳар ким қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга. Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги [Қонуни](#) талабларининг оғишмай бажарилиши фуқароларнинг ижтимоий таъминотга бўлган конституциявий ҳуқуқларининг кафолати ҳисобланади.

Ижтимоий таъминот олишнинг муҳим кўринишларидан бири пенсия тайинлаш ҳисобланади. Пенсия тайинлашда фуқаро бюджетдан ташқари пенсия жамғарма(БТПЖ)лари билан ўзаро муносабатга киришади. Мазкур муносабатларда низолар юзага келиши мумкин. Ушбу низолар маъмурий низолар билан боғлиқ ҳисобланади.

Шу ўринда маъмурий низо тушунчаси ва унинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

Ю.Н.Старилов фикрича, маъмурий-ҳуқуқий низолар бир томондан давлат органлари, маҳаллий органлар, мансабдор шахслар, иккинчи томондан ҳуқуқнинг бошқа субъектлари ўртасидаги жисмоний ва юридик шахсларнинг субъектив оммавий ҳуқуқлари бузилиши факти юзасидан келиб чиққан ҳуқуқий низоидир<sup>4</sup>.

Н.В.Сухареванинг фикрича эса, маъмурий-ҳуқуқий низо – бу муайян маъмурий муносабат иштирокчиларидан бирининг маъмурий-ҳуқуқий муносабатнинг вужудга келиши, ўзгариши ёки бекор бўлишига сабаб бўлган

<sup>3</sup> <https://sud.uz/mamuriy-sudlar-tizimi-yanada-takomillashtirilmoqda>

<sup>4</sup> Старилов Ю.Н. Административная юстиция. Теория, история, перспективы. – М., 2001. – С. 68.



юримдик фактга нисбатан норозилиги ифодаси. Маъмурий-хукукий низолар – бу маъмурий хукуқ субъектларининг хукуқ ва мажбуриятларга оид бўлган низолардир ва улар ўзининг мазмуни жиҳатидан бошқа юримдик низолардан фарқ қилади<sup>5</sup>.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиққан ҳолда айтишимиз мумкинки, бизнингча, маъмурий-хукукий низолар – бу маъмурий-хукукий муносабат иштирокчиларининг хукуқ ва мажбуриятлари доирасидан келиб чиқадиган зиддиятлар, қарама-қаршиликлар ҳисобланади. Ушбу низолар бир томондан давлат органлари, уларнинг мансабдор шахслари, иккинчи томондан фуқаролар ўртасида юзага келади. Ушбу жиҳати билан маъмурий-хукукий низолар бошқа турдаги юримдик низолардан фарқ қилади.

Демак, маъмурий юстициянинг предметини давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари ва қарорлари устидан фуқароларнинг судга шикоят қилиши натижасида юзага келадиган маъмурий-хукукий муносабатлар ташкил этади.

Мазкур маъмурий-хукукий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларнинг маъмурий-хукукий хусусияти қуйидагилар билан белгиланади:

мазкур турдаги низолар давлат органларининг давлат бошқарув функцияларини амалга оширишлари билан боғлиқ ҳолда юзага келади;

маъмурий низолар маъмурий-хукукий муносабатлар доирасида юримдик-ҳокимий қарорларни қабул қилиш ва уларга нисбатан иккинчи тарафнинг норозилиги натижасида юзага келади.

Демак, юқоридаги фикрлардан келиб чиққан ҳолда маъмурий-хукукий низоларга қуйидагича умумий тавсиф бериш мумкин:

маъмурий-хукукий низо – бу маъмурий хукуқ субъектларининг хукуқ ва мажбуриятларга оид низоларидир;

маъмурий-хукукий низо ноқонуний бошқарув актини қабул қилиш факти юзасидан маъмурий-хукукий муносабат субъектларидан бирининг норозилиги ифодасидир;

маъмурий-хукукий низолар ижро ҳокимияти органи томонидан бошқарув функцияларини амалга ошириши билан боғлиқ ҳолда вужудга келади. Демак, маъмурий низо субъектларидан бири албатта давлат органи ёки мансабдор шахси ҳисобланади. Маъмурий-хукукий низолар бир томондан фуқаролар, иккинчи томондан эса давлат бошқарув органлари ўртасида юзага келади<sup>6</sup>.

Ушбу юқоридаги қоидалардан келиб чиқиб айтишимиз мумкинки, маъмурий юстиция предметини ташкил этувчи низоларни икки турга бўлишимиз мумкин:

Биринчидан, давлат органлари ва мансабдор шахслар томонидан фуқароларнинг хукуқ ва эркинликларини бузадиган ҳаракат (ҳаракатсизлик)ларни содир қилиш натижасида юзага келадиган маъмурий-хукукий низолар;

<sup>5</sup> Сухарева Н.В. Сущность административно-правовых споров // Юристь, 1999. - №10. – С. 52.

<sup>6</sup> Монография. Ф.Т.Хакимов, Ўзбекистонда маъмурий юстицияни ривожлантириш муоммолари. ТДЮИ, Т.: 2009. 125 б.



Иккинчидан, давлат органлари ва мансабдор шахслар томонидан фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини бузадиган қарорлар қабул қилиш натижасида келиб чиқадиган низолар.

Кўриб турганимиздек, маъмурий юстиция предмети ташкил этувчи низоли маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар давлат бошқарув органлари, мансабдор шахслар ва фуқаролар ўртасида вужудга келади. Шунингдек, ушбу низолар давлат бошқарув органлари фаолиятини тартибга солувчи асосий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда мустақамлаб қўйилган асосий вазифа ва функциялари доирасида қарорлар қабул қилиш ёки ҳаракатларни амалга ошириш натижасида юзага келади.

Хусусан, давлат бошқарув органлари ва мансабдор шахсларнинг ушбу ҳаракат (ҳаракатсизлик)лари ва қарорлари натижасида улар ва фуқаролар ўртасида низоли вазият юзага келишининг асосий омили сифатида қуйидагиларни келтириб ўтиш мумкин:

Биринчидан, давлат бошқарув органлари ва мансабдор шахслар томонидан ҳаракат (ҳаракатсизлик)лар қонунга хилоф равишда амалга оширилганлиги ёки қарорлар қонунга хилоф равишда қабул қилинганлиги натижасида;

Иккинчидан, давлат бошқарув органлари ёки мансабдор шахслар томонидан амалга оширилган ҳаракат (ҳаракатсизлик)лар ёки чиқарилган қарорларга фуқароларнинг қаршилиги, қўшилмаслиги натижасида.

Биринчи ҳолат бўйича давлат бошқарув органлари ёки мансабдор шахс ўз ваколатлари доирасида муайян ҳаракатларни қонунга хилоф равишда амалга оширади ёки қонунга биноан амалга ошириши лозим бўлган ҳаракатларни амалга оширишдан тийилади. Яъни, давлат бошқарув органи ёки мансабдор шахс ўз ваколатлари доирасидан четга чиқади ёки ўз вазифаларини шахс-жамият-давлат манфаатларига зид равишда амалга оширади, қарорлар қабул қилади. Бу эса, фуқаролар орасида норозиликларга сабаб бўлади ва маъмурий юстиция предмети ташкил этувчи маъмурий-ҳуқуқий низони вужудга келишига олиб келади.

Иккинчи ҳолат бўйича давлат бошқарув органи ёки мансабдор шахс томонидан амалга оширилган ҳаракатлар ва қабул қилинган қарорлар қонунга хилоф бўлмаслиги мумкин. Лекин амалга оширилган ҳаракат ёки амалга оширилишидан тийилган ҳаракатсизликдан, чиқарилган қарордан маъмурий-ҳуқуқий муносабат иштирокчиси ҳисобланган фуқарода норозилик, қўшилмаслик кайфиятини келтириб чиқаради.

Фуқаро амалга оширилган ушбу ҳаракат ёки чиқарилган қарор натижасида ўзининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилган деб ҳисоблайди ва ўзининг ҳуқуқларини тиклаш мақсадида судга мурожаат қилади.

БТПЖ билан фуқаролар ўртасидаги низолар ҳам маъмурий-ҳуқуқий низоларнинг бир тури ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси тўғрисидаги Низомга кўра, Жамғарманинг асосий вазифалари ва функциялари қуйидагилар ҳисобланади:



қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда фуқароларнинг давлат пенсия таъминотини ташкил этиш, фуқароларга пенсиялар, ижтимоий нафақалар, компенсация тўловлари ва бошқа тўловларни тайинлаш, пенсиялар ва бошқа тўловлар миқдорларининг қайта ҳисоблаб чиқилишини таъминлаш;

пенсиялар ва бошқа тўловларни тўлиқ ҳажмда молиялаштириш ва тўланишини ташкил этиш, улар бўйича ҳисоб ва ҳисоботни юритиш;

тизимли асосда пенсиялар тайинлаш ва уларни қайта ҳисоблашнинг доимий таҳлилини ўтказиш ва мониторингини олиб бориш, фуқароларнинг пенсия таъминотига йўналтириладиган маблағлардан қатъий мақсадли фойдаланилишини таъминлаш;

боқувчисини йўқотган тақдирда, шунингдек меҳнатда майиб бўлганлик ёки ходим меҳнат мажбуриятларини бажариши билан боғлиқ касб касаллиги оқибатидаги ногиронлик туфайли тайинланган пенсияларга тўланган маблағларни даъволар бўйича айбдор юридик ва жисмоний шахслардан белгиланган тартибда ундириб олишни ташкил этади<sup>7</sup>.

Юқоридаги вазифа ва функцияларни амалга оширишда БТПЖ томонидан тегишли қарор ёки ҳаракат(ҳаракатсизлик) амалга оширади. Мазкур фаолиятда ноқонуний қарор қабул қилиниши ва ҳаракат(ҳаракатсизлик)ни амалга ошириш натижасида маъмурий-ҳуқуқий низолар юзага келади.

Қарор деганда, маъмурий орган ёки унинг мансабдор шахси томонидан яқка ёки коллегия тарзда қабул қилинган ва муайян ҳуқуқий оқибат туғдирувчи ҳужжат тушунилади. Бунда шуни назарда тутшп лозимки, қарорлар белгиланган шаклда (масалан, жойлардаги ижро ҳоқимияти органлари қарорлари) ёки эркин тарзда (масалан, фуқаронинг мурожаатини қаноатлантиришни рад этиш тўғрисидаги ёзма хабар) қабул қилиниши мумкин<sup>8</sup>.

Маъмурий органлар ва улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари деганда, қарор шаклида ифодаланмаган бўлса ҳам, бироқ манфаатдор шахслар ҳуқуқлари ва эркинликларини бузилишига олиб келган ёки уларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари амалга оширилишига тўсқинлик қилган юридик аҳамиятга эга фармойишлар тушунилади.

Ҳаракатсизлик деганда, маъмурий орган ёки унинг мансабдор шахси зиммасига норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатлар (лавозим йўриқномалари, низомлар, регламентлар, буйруқлар) билан юклатилган мажбуриятни бажармаслик тушунилади<sup>9</sup>.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, бюджетдан ташқари пенсия жамғармалари билан боғлиқ низо деганда, фуқароларга пенсия тайинлаш жараёнида бюджетдан ташқари пенсия жамғармаларининг ноқонуний қарор

<sup>7</sup> Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 26.09.2018 й., 09/18/766/1964-сон, 27.12.2018 й., 07/18/4086/2354-сон, 09.07.2019 й., 07/19/566/3396-сон, 22.10.2019 й., 09/19/889/3945-сон; 24.12.2020 й., 09/20/806/1662-сон

<sup>8</sup> <https://lex.uz/docs/4711311>

<sup>9</sup> <https://lex.uz/docs/4711311>



чиқариш ёки ҳаракат(ҳаракатсизлик) қилиш натижасида юзага келадиган низони тушуниш лозим.

Бюджетдан ташқари пенсия жамғармалари билан боғлиқ низолар пенсия турларига қараб хусусиятларга ажратиб олиш мумкин. Амалдаги қонунчилик бўйича давлат пенсияларининг қуйидаги турлари мавжуд:

ёшга доир пенсия;

ногиронлик пенсияси;

боқувчисини йўқотганлик пенсияси<sup>10</sup>.

Ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқига эркаклар 60 ёшга тўлганда ва иш стажлари камида 25 йил бўлган тақдирда, аёллар эса 55 ёшга тўлганда ва иш стажлари камида 20 йил бўлган тақдирда эга бўладилар. Ушбу пенсия турининг хусусиятдан келиб чиқиш таъкидлаш лозимки, ушбу пенсия бўйича маъмурий низо айнан шу ёшдаги фуқаролар билан БТПЖ ўртасида юзага келади.

Ногиронлик пенсиялари бўйича маъмурий низолар белгиланган тартибда I ва II гуруҳ ногиронлари деб топилган шахслар билан БТПЖ ўртасида юзага келади.

Вафот этган боқувчининг қарамоғида бўлган меҳнатга қобилиятсиз оила аъзолари боқувчисини йўқотганлик пенсияси олиш ҳуқуқига эга бўлади. Бунда боқувчисини йўқотган шахс билан БТПЖ ўртасида маъмурий низо.

Юқоридаги барча пенсия турлари бўйича тегишли тартибда қарор чиқарилади. Қарор пенсия жамғармаси бўлимида пенсия тайинлаш бўйича комиссия томонидан чиқарилади. Комиссия бошқа зарур ҳужжатлар билан биргаликда пенсия тайинлаш тўғрисидаги ариза тушгандан кейин ўн кун муддатда тегишли қарор қабул қилади.

Пенсия тайинлаш рад этилган тақдирда Пенсия жамғармаси бўлими тегишли қарор чиқарилгандан кейин беш кундан кечикмай ташкилот ёки ариза берувчига рад этиш сабабларини, қабул қилинган қарор юзасидан шикоят қилиш тартиби кўрсатилган билдиришномани бериши ёки юбориши ҳамда барча тақдим этилган ҳужжатларнинг асл нусхаларини ҳужжатлар олинганлиги тўғрисидаги тилхат билан пенсионернинг (ота-онанинг, қонуний вакилнинг) қўлига қайтариши шарт<sup>11</sup>. Айнан мазкур қарордан норози бўлиб, фуқаро судга шикоят қилиш мумкин.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, БТПЖ ва фуқаролар ўртасида юзага келадиган низолар тегишли БТПЖнинг қарори ва ҳаракат(ҳаракатсизлик)и натижасида юзага келиб, пенсиянинг турига қараб ўзига хос хусусиятларга бўлинади.

<sup>10</sup> Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.01.2018 й., 03/18/456/0512-сон, 17.10.2018 й., 03/18/500/2057-сон, 25.12.2018 й

<sup>11</sup> Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 09.07.2019 й., 07/19/566/3396-сон; 22.10.2019 й., 09/19/889/3945-сон; 29.12.2019 й